

ЎЗБЕКИСТОНДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

P.X. Набиуллин

иқтисод фанлари номзоди, профессор,

Ж.П. Нарзиев

иқтисод фанлари номзоди, профессор в.б.,

Ж.И. Қувондиқов

«Менежмент ва спорт тадбирларини ташкил этиши» кафедраси ўқитувчиси.

ЎзДЖТСУ, Чирчиқ шаҳри, Ўзбекистон

jalaliddinnarziyev@gmail.com

Аннотация. Уибубу мақола спорт инсон фаолиятининг энг муҳим соҳаларидан бири эканлигини ҳисобга олган ҳолда жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда жисмоний тарбия ва спорт билан шугусланишига мамлакат аҳолисини кенг кўламда жсалб қилиши давлат устувор вазифасининг мазмун-моҳиятидан келиб чиқкан ҳолда уибубу соҳани ҳуқуқий тартибга солиши билан боғлиқ бўлган долзарб масалаларга бағишланган. Жисмоний тарбия ва спортдаги муносабатларни давлат томонидан тартибга солиши ҳамда уибубу соҳани давлат томонидан назорат қилишининг муҳим дастаги бўлиб ҳуқуқий мувофиқлаштириши ҳисобланади. Мақолада Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортда муносабатларни тартибга солиши бўйича ва қонун ости меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил қилинган. Спорт ҳуқуқи аҳолининг жисмоний ва спорт билан шугусланиши доирасидаги муносабаларни тартибга солувчи маҳсус ҳуқуқий меъёrlарнинг йигиндисидан иборат бўлиб, уларда жисмоний тарбия билан спортни аралашиб маслик алоҳида таъкидланган. Шу билан бир қаторда мазкур мақолада спорт ҳуқуқининг манбалари ҳамда спортнинг ривожланишини ҳуқуқий томондан тартибга солишининг муаммолари ёритилган.

Калим сўзлар: спорт ҳуқуқи, жисмоний тарбия ва спорт, глобаллашув, спорт бозори, спорт хизматлари нархи, ҳуқуқий майдон.

Кириш

Жисмоний тарбия ва спорт инсон ҳаётининг ажralmas қисми бўлиб, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин тутади. Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ҳуқуқий тартибга солиши мустақиллик йилларида алоҳида эътибор қаратилган соҳалардан бири бўлиб, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг жисмоний фаоллигини ошириш ва спортда юқори натижаларга эришиш мақсадларига йўналтирилган.

Мазкур соҳани тартибга солишининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонуни, давлат дастурлари ва халқаро спорт ташкилотлари билан ҳамкорлик шартномалари орқали мустаҳкамланган. Шу билан бирга, ҳукумат томонидан қабул қилинаётган қарорлар, фармойишлар ва дастурлар спорт инфратузилмасини ривожлантириш, ёшларни спортга жалб этиш ҳамда Олимпия ва Паралимпия ҳаракатини қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Шу билан бирга, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ҳуқуқий тартибга солиши такомиллаштириш зарурати мавжуд. Жумладан, соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни халқаро талабларга мослаштириш, хусусий спорт ташкилотларини ривожлантириш, мутахассисларни тайёрлаш ва лицензиялаш тизимини такомиллаштириш, давлат-хусусий шериклик асосидаги спорт

объектларини кенгайтириш каби йўналишларда тизимли ишлар олиб борилиши лозим.

Ушбу тадқиқотда Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ҳукуқий тартибга солишининг ҳозирги ҳолати, мавжуд муаммолар ва истиқболлари таҳлил қилиниб, соҳанинг барқарор ривожланиши учун таклифлар ишлаб чиқилади.

Тадқиқотнинг долзарблиги

XXI асрда жисмоний тарбия ва спорт инсон фаолиятининг иухим соҳаларидан бирига айланди. Ушбу соҳада эришилган ютуқлар жамиятда рўй берәётган қатор ижтимоий ва илмий-техникавий ўзгаришларнинг асосини ташкил этди. Умумжаҳон тенденциялари, давлатлар ва тармоқлараро муносабатларнинг глобаллашувига мувофиқ равишда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш масалалари Ўзбекистонда ихтимоий сиёсатнинг ўзакли йўналишларидан бирига айланиб бормоқда. Жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, мамлакат ахолисини жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш давлатнинг устувор вазифаси сифатида эътироф этилмоқда. Жисмоний тарбия ва спортдаги муносабатларни давлат томонидан тартибга солиш ҳамда ушбу соҳани давлат томонидан назорат қилишнинг муҳим дастаги бўлиб ҳукуқий мувофиқлаштириш ҳисобланади.

Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ва тартибга тсолишининг қонуний ва ҳукуқий базасига қўйидагилар киради:

- Янги таҳририятдаги Ўзбекистон Конституцияси;
- Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодекси;
- Ўзбекистон Республикасининг жиноий кодекси;
- Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий бирлашмалар тўғрисида”ги қонуни;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармони, “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрларни тайёрлаш ҳамда илмий тадқиқотлар тизимини янада такомиллестириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори, ”Маҳаллаларда ёшларни оммавий спортга жалб қилишни янги босқичга олиб чиқиши чора-тадбирлари тўғрисида” қарори, “Спортчи ва тренерларнинг профессионал фаолияти давомида қонуний ҳукуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида” қарори. “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни 2025-йилгача ривожлантириш концепцияси тўғрисида” фармони, “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” фармони, “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармони ва бошқалар.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2019-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепцияси тўғрисида" қарори.

Маълумки, спортни бошқариш бўйича меъёрий-хуқуқий хужжатлар қонунлар ва қонун ости хужжатларига бўлинади. Қонун ости меъёрий-хуқуқий хужжатларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорларидан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмитлари ва бошқа хукumat ижро органлари киради. Ўзининг юридик кучи бўйича жисмоний тарбия ва спорт соҳасида қонуний ва меъёрий-хуқуқий хужжатлар турлича таъсирга эга. Давлат хукумати олий органининг қонунлари жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги жуда муҳим муносабатларни тартибга солиб туради ҳамда бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларга нитсбатан асосий функциялар ва юридик асосларга эга.

Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортнинг хуқуқий асослари турли давлат хужжатларида мустаҳкамланган. Улардан энг муҳими бўлиб Ўзбекистон Республикасининг янги таҳририятдаги Конституцияси (01.05. 2023й.) бўлиб, унда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш борасида фуқароларнинг хуқуқлари белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси нинг 48-моддасида "Давлат жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланиши, соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун шарт-шароитларни яратади" деб айтилган. Кейинги муҳим хужжат бўлиб 2015-йил 24-июлда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги қонуни ҳисобланади. Мазкур қонун 8 боб ва 47 моддадан иборат бўлиб, у мамлакатимизнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фаолиятнинг хуқуқий, ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий асосларини ҳамда жисмоний тарбия ва спорт бўйича қонунчилик ижодкорлигининг асосий тамойилларини белгилайди.

Натижалар

Маълумки, жисмоний тарбия ва спорт тармоқ сифатида тор йўналишли бўлиб ҳисобланади. Аммо, глобаллашувнинг замонавий шароитларида спорт соҳасининг динамик ривожланаётганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, у доимий равишда кенгаяпти ва мураккаблашиб бормоқда. Ушбу соҳа халқаро характерга эга бўлиб, унинг хуқуқий асослари турли қирраларини қамраб олади.

Спорт хуқуқи жисмоний тарбия ва спорт соҳаси билан бевосита боғлиқ бўлган муносабатларни мувофиқлаштирувчи маҳсус хуқуқий меъёрларнинг йиғиндиси сифатида намоён бўлади.

Шуни таъкидлаш зарурки, ҳар қандай тармоқ, у моддий ёки номоддий ишлаб чиқариш соҳасига тааллуқли бўлишидан қатъий назар, тизимлаштирувчи хуқуқий асосларга эгадир. Буларга қонунлар, лойиҳалар, кодекслар, стратегиялар ва бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатлар кириб, уларнинг атрофида таркиблangan хуқуқий тизим шаклланади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида тизимлаштирувчи ва ғояларни шакллантирувчи бўлиб 2015-йилда янги таҳририятда қабул қилинган "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги қонун ҳисобланади.

Мазкур мухим ҳужжатда Ўзбекистоннинг барча худудларида уларга риоя қилиш шарт бўлган жисмоний тарбия ва спортнинг барча ҳуқуқий асослари баён қилинган ҳамда мактабгача, мактаб ва олий таълим соҳасида жисмоний тарбия ва спортнинг субъектлари аниқ белгиланган бўлиб, улар давлат ва маҳаллий бошқарув органларининг ваколатларига тааллуклидир.

Тармоқнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш ўзидан-ўзи рўёбга чиқмайди, яъни у жамиятдаги муносабатларнинг маълум бир гуруҳидан ажратиб олишнинг тўғридан-тўғри натижаси бўлиб ҳисобланади. Спорт ҳуқуки алоҳида тармоқ сифатида ажратилган ҳолда ҳозирги кунда Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт майдонининг шаклланишида мухим ролни ўйнаган ҳолда халқаро миқёсда яна ҳам юқори даражага олиб чиқилган.

Спорт ҳуқуқида профилактика ва касалликларни олдини олиш мақсадида жисмоний тарбия ва спорт маблағларидан фойдаланиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи тўғрисида тасаввурни шакллантириш ва уни тарғиб қилиш каби аниқ тармоқ усулларига катта эътибор берилади. Шу аснода янги таҳририятдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг юқорида таъкидланган 48-моддасида мустаҳкамланган аҳолининг барча қатламларини жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишларини таъминлаш каби мухим усулга ҳам эътиборни қаратиш зарур.

Бундан ташқари жисмоний тарбия ва спортни юқори натижали спорт ва ҳарбий хизматга тайёрлаш, наркотик ва алкоголга боғлиқлик ва жиноятчиликни олдини олиш билан боғлиқ профилактика ишларини амалга ошириш, ёшларни ватанпарварлик ва Ватанга содиқлик руҳида тарбиялаш каби усулларни ҳам таъкидлаш лозим. Илмий нуқтаи назардан ҳуқуқий тизим объектив воқелик бўлиб, мавжуд реал муносабатларни қамраб олувчи чуқур илмий мушоҳадали тизим ҳисобланади.

Спорт ҳуқуқининг меъёrlарини бир нечта ҳуқуқий тармоқларга бўлиш мумкин: Фуқаролик ҳуқуқи; Мехнат ҳуқуқи; Молиявий ҳуқуқ; Маъмурий ҳуқуқ; Суғурта ҳуқуқи; Хусусий мулкчилик ҳуқуқи; Тадбиркорлик фаолияти ҳуқуқи ва бошқа қатор ҳуқуқлар. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида спорт ҳуқуқи кўп қиррали, доимий равишда ривожланувчи ҳамда ўзбек спортини халқаро аренага олиб чиқувчи жабҳа ҳисобланади.

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий базасининг пойдевори бўлиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 30-октябрдага “Соғлом турмуш тарзини кенг тадбиқ қилиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда 2023-йил 13-июндаги “Маҳалларда ёшларни оммавий спортга жалб қилишни янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026-йилларда Янги Ўзбекистоннинг ривожланиш стратегияси” тўғрисидаги Фармонида жисмоний тарбия ва спорт билан доимий шуғулланувчи фуқаролар сонини 2020-йилдаги 19 % дан 2026-йилда 33% га ошириш вазифаси (№67) ҳамда Олимпия ва Паролимпия ҳаракатини ривожлантириш вазифаси (№68) қўйилган. 2022-2024-йиллар давомида мамлакатимизда спорт фаолиятини мувофиқлаштирувчи

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳқамасининг 88 та фармон ва қарорлари қабул қилинган.

Амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида Ўзбекистон Республикаси спорт вазирлигининг маълумотларига биноан жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчилар сони 2024-йилда 2023-йилга нисбатан 335 мингдан 530 минггача ошган. 2025-йилда Ўзбекистон Республикаси спорт вазирлиги томонидан жисмоний тарбия ва спорт билан муутазам шуғулланувчи аҳоли сонини 30% гача, оммавий спорт мусобақаларига жалб этишни 12 миллионгача қамраб олиш мўлжалланган. Кўриниб турибдики, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиган. Натижада Парижда ўтган XXXIII ёзги Олимпия ўйинларида Ўзбекистон делегацияси 206 та мамлакат ичида умумжамоа ҳисобида юқори 13-ўринни эгаллаб, 8 та олтин, 2 та кумуш ва 3 та бронза медалига сазовор бўлди. Ушбу кўрсаткичлар Ўзбекистон Республикаси спорт вазирлиги ва Ўзбекистон миллий олимпия қўмитаси (МОК) бошчилигидаги спорт турлари бўйича федерациялар ҳамда тренерлар маҳсулдор ижодкорли фаолиятининг натижасидир. Шуни таъкидлаш керакки, Париж олимпиадасига спортчиларни тайёрлашни моличлаштиришда Ўзбекистон хукуматининг салмоёйи катта бўлиб, у 73 миллиард сўмни ташкил этди. Бунда ғолиб, совриндор ва тренерларга берилган мукофот ҳамда тақдирланишлар ҳисобга олинмаган.

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонунида жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланган бўлиб, унда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг давлат сиёсати ҳамда жисмоний тарбия ва спорт билан эркин шуғулланиш учун ҳар бир кишининг хукуқларини таъминлаш назарда тутилган.

Қонунда нафақат Вазирлар Маҳқамасининг, балки жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаваколатли давлат органлари ҳамда Соғликни сақлаш вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, маҳаллий давлат хукумати органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари (маҳалла) нинг ваколатлари ҳам белгиланган. 2017-йилда Ўзбекистон адлия вазирлиги томонидан спорт учун маҳсус паспорт тўғрисида Низом тасдиқланган. Спорт паспорти спортчининг у ёки бу жисмоний тарбия –спорт ташкилотига тааллуқлиги, танлаган спорт тури, унинг спорт даражаси, спорт унвонларига эгалиги, тиббий кўриқдан ўтганлиги, спортдаги ютуқлари, давлат томонидан тақдирланганлиги ва спортдан четлатилганлиги тшғрисида маълумотларни тасдиқловчи ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

Киритилаётган мазкур янгилик Ўзбекистон терма командасининг таркибига кирувчи ва меҳнат ҳақини олувчи спортчи учун жуда муҳимдир. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларни давлат томонидан пенсия билан таъминлаш тўғрисида”ги қонунининг 37-моддасида шундай дейилган: а) иш стажига давлат ижтимоий суғуртасига тортилган, иш фаолиятининг қандайлигидан қатъий назар Ўзбекистон Республикасининг молия вазирлиги қошидаги нодавлат жамғармасига суғурта бадалларини тўлаб бориш шарти

билин ҳар қандай иш киритилади. Шуни таъкидлаш муҳимки, спорт тренери учун иш тажрибаси маълумотга тенглаштирилади. Ушбу қоида спортдаги фаолиятини якунлаган ҳамда спорт тренери бўлишни хоҳловчи спортчилар учун жуда муҳимдир.

XXI асрда жисмоний тарбия ва спортнинг замонавий инсоннинг ҳаётидаги роли сезиларли даражада ошиди. Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт билан қизиқувчи ва мунтазма шуғулланувчи одамлар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Мустақиллик йилларида жисмоний тарбия ва спортнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Масалан, 2016-йилда мамлакатимиз бўйича 50583 та спорт иншоотлари бўлган бўлса, 2022-йилда эса 52417 тага етди. 2023-йилда фойдаланишга яна 265 та спорт обьекти топширилди. Аммо мамлакат аҳолисининг жон бошига тўғри келувчи спорт иншоотлари билан таъминланишни тавсифловчи бу кўрсаткичлар юқори эмас. Бунинг асосий сабабларидан бири шундаки, мамлакатимизда аҳоли сонининг ўсиш суръати спорт иншоотлари сонининг ўсишига нисбатан жуда юқори. Аҳолининг жисмоний тарбия ва спорт хизматларига бўлган эҳтиёжларининг ўсиб бориши келгусида жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг моддий-техник базасининг мустаҳкамланиб ўсиб боришини талаб қиласди.

Одамларнинг жисмоний тарбия ва спорт хизматларига бўлган эҳтиёжларининг ўзгаришига мувофиқ равишда бозор муносабатлари, спорт ташкилотлари ҳамда таклиф қилаётган маҳсулотининг ассортиментини кенгайтирган ҳолда хусусий сектор ҳозиржавоблигини билдиради.

Ҳозирги замон спорт бозорларида шаклланаётган ўсиш тенденциялари спорт маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчиларга юқори фойдани, истеъмолчиларга эса жисмоний ривожланишга ўз эҳтиёжларининг қондирилишини таъминлайди. Бу эса, ўз навбатида, спорт билан шуғулланиш ҳуқуқи, оммавий спортни ривожлантириш, ҳомийлар билан муносабатлар, профессионал спортни ривожлантириш каби муҳим обьект ва муносабатларни ҳуқуқий таъминлаш ва тартибга солишининг ролини яна ҳам оширади.

Дунёда рўй беряётган глобаллашув жараёнлари, ахборот технологияларининг қўлланилиши, сунъий интеллект жисмоний тарбия ва спорт соҳасига ҳам тегишли таъсирларини ўтказмоқда. Бозор муносабатларининг қонунлари жисмоний тарбия ва спорт соҳасини тижоратлашга олиб келди. “Хусусий мулкчилик тўғрисида” қонуннинг қабул қилиниши жисмоний тарбия ва спорт соҳасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун кенг имкониятларни очиб берди. Спорт ташкилотлари спорт билан шуғулланиш бўйича аҳоли учун тўлов асосида турли хизматларни таклиф қила бошлишди. Аммо хизматлар учун тўлов нархлари қиймат қонуни, талаб ва таклиф каби бозор муносабатларининг қонунларига мувофиқ эмас, балки спорт ташкилоти маъмуриятининг хоҳиш-истаги билан белгиланмоқда.

Бундай ҳолатдаги спорт хизматларининг нархлари кам таъминланган кўп фарзандли оиласарнинг аксарияти учун спортга қизиқувчан иқтидорли болаларнинг севган спорт тури билан шуғулланишга имкон бермайди. Буларнинг орасида спортга ружу қўйган қўпчилик бўлиб, профессионал спортчи

ҳамда халқаро аренада Ўзбекистоннинг спорт шарафини ҳимоя қилувчиси бўлишини исташади. Улар ҳуқуқий майдондан четда қолишиади. Ўтказиладиган спорт тадбирларининг кўлами ва географияси, замонавий шароитларда спортнинг байналминаллиги ва глобаллашуви, спорт воқеасининг натижасини олдиндан айтишнинг мураккаблиги, ўзгарувчанлиги ва сақлана олмаслиги, спортга сиёсий тус бериш оқибатида Олимпия ҳаракати хартиясининг бузилиши спорт соҳасида бир-бирига зид бўлган саволларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Бу ва бошқа қатор муаммолар жисмоний тарбия ва спорт соҳасида жавобли ҳуқуқий мувофиқлаштириш, тушунмовчилик ва қарама-қаршиликларнинг ўткир кирраларини сайқаллаштирувчи ҳамда юмшатувчи тегишли маҳсус меъёрий-ҳуқуқий хужжатларни ишлаб чиқиши талаб қиласди.

Шуни таъкидлаш лозимки, жисмоний тарбия билан спортни аралаштирмаслик керак. Спорт билан шуғулланувчи одам ўз олдига маълум бир касбий натажаларга эришишни, имкони бўлган тақдирда эса профессионал спортчи бўлишни мақсад қилиб кўяди, Профессионал спорт билан шуғулланиш унинг тўланадиган меҳнат фаолияти бўлиб ҳисобланади. Жисмоний тарбия билан шуғулланувчи шахс эса қадди-қоматли, соғлом ҳамда ўз фарзандларига жисмоний тарбия билан шуғулланишнинг муҳимлигини уқтириб боришни ўзининг мақсади деб билади.

Жисмоний тарбия ва спортнинг ўхшашлиги ўзининг тарихий илдизларига эга. Масалан, социалистик тузум даврида спорт колективизмга қарши равища индивидуализмга етакламаслиги керак деган фикр-мулоҳазалар хукм сурарди. Шу сабабли спорт назариясида спортга жисмоний тарбиянинг воситаларидан бири сифатида қаралади. Профессионал спортда спорт ҳолатидан юриспруденциянинг ўзига хос саволлари билан тўқнашадиган суд муҳокамаларигача борувчи жуда кўп мунозарали ва низоли вазиятлар юзага келади. Спорт ижтимоий муносабатлар соҳаси сифатида мураккаб ижтимоий-маданий ва иқтисодий ҳодисаларни қамраб олади.

Спорт муносабатлари турли соҳалар таъсирининг кесишувида жойлашган бўлиб, фуқаролик қуқуки, меҳнат қуқуки, маъмурий ва молиявий ҳуқуқ, халқаро қуқуқ, хусусий мулкчилик қуқуки ва бошқа қуқуқ тармоқларини қамраб олади. Бундан ташқари ўзига хос қонунларига эга бўлган бозор муносабатларининг шаклланиши ҳамда профессионал спортнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши жисмоний тарбия ва спорт хизматларини ўзида акс эттирувчи маҳсус товар-спортчининг пайдо бўлишига олиб келди.

Аммо спортчи хизматининг нархи бозор механизмлари ва нархларнинг шакллантириш қонунлари орқали эмас, балки спортчига эгалик қилаётган спорт клубининг раҳбариятига боғлиқ ҳолда шартнома асосида белгиланади. Профессионал спортчи ёлланиш бўйича шартнома тузилган спорт клубига бўйсунади. Шу сабабли унинг розилигисиз у бошқа клубга сотилиши ёки ижарага берилиши мумкин эмас. Бу профессионал спортчининг аниқ ҳуқуқий мақоми, сотиш-сотиб олиш ҳамда спорт хизматларининг эгаси ва сотиб оловчиси бўйича ҳуқуқий регламентнинг етарли эмаслигидан далолат беради.

Айникса, хориждаги таниқли спорт клубига ўтишга интилаётган ёш профессионал спортчилар учун бу характерли бўлиб, у ерда унинг спорт хизматлари ўзининг мамлакатига нисбатан юқори баҳоланади. Масалан, “Пахтакор” Тошкент командасининг 20 ёшли футболчиси Аббосбек Файзуллаев Москванинг “ЦСКА” (Россия) футбол клубига 2023-йилда 500 минг еврода сотилган. Ҳозирги кунга келиб 2024-йилда Ўзбекистон терма командасининг таркибида Осиё кубогида қатнашганидан сўнг ғарбнинг футбол клубларидан унга 5 млн. евро таклиф қилинаяпти.

Бошқа бир мисол, Абдуқодир Хусанов “Бунёдкор” Тошкент футбол клуби академиясидан чиққан ёш иқтидорли футболчилардан ҳисобланади. Спорт карьерасининг бошланишида у Ўзбекистон терма жамосида ўйнаган, 17 ёшида Белорусияга кетиб “Энергетик” футбол клубида тўп суриб 200 АҚШ долларида иш ҳақи олган. 2023-йилда Франциянинг “Ланс” футбол клубига 100 минг еврода сотилган. Мазкур клубда у чиройли ва кучли ўйин кўрсатиб футбол мутахассисларининг назарига тушган. 2025-йилнинг январ ойида “Ланс клуби” Англия “Манчестер Сити” клубининг таклифини қабул қилиб 40 млн. еврода сотган. Бу шундан далолат берадики, профессионал спортда нафақат спортчининг иқтидори, балки уни бошқа клубга катта фойда билан сотиш ҳам жуда муҳимdir.

Бу профессионал спортда нархлар шаклланишининг ўзига хос-хусусиятлари тасдиғидан яққол дарак беради, яъни қисқа вақт ичида нарх қўп маротаба ўзгариши мумкин. Келтирилган мисоллардан хулоса қилиш мумкинки, профессионал спортда ҳозирги кунда кўриб чиқилаётган муносабатларни ҳуқуқий таъминлаш кўп ҳолларда қатор йиллар давомида шаклланган ноҳуқуқий шартномавий меъёрлар билан тартибга солинади. Шу аснода шуни таъкидлаш зарурки, Ўзбекистонда ўзига хос-хусусиятларга эга бўлган спорт хизматлари бозори энди шаклланиб бормоқда. Мазкур соҳада ўз ечимларини кутаётган қатор муаммолар мавжуд бўлиб, уларнинг қамровига бозорнинг қонун ва қонуниятларини ҳамда профессионал спорт бўйича зарурий билим, қўникма ва тажрибаларга эга бўлган маркетологлар, спорт агентлари ҳамда селекционер спорт мутахассисларининг етишмовчилиги, айrim турлари бўйича эса умуман йўқлиги билан боғлик бўлган долзарб масалалар ҳам киради. Ҳар қандай профессионал спортчida ўзининг спорт йўли ва даври бўлиб, унга спорт турини танлаш, спортчи бўлиб шаклланиш, спорт маҳорати ва спорт натижаларининг ўсиши, спортчи формасининг чўққиси ва балоғатга етиши характерли бўлиб, йиллар ўтган сайин, ёши улғайган сари жисмоний кўрсаткичлари ҳамда спорт натижаларининг пасайиши кузатилади, чарчаганлиги сезилиб боради ва пировард натижада профессионал карьераси яқунланади.

Хулоса

Собиқ муваффақиятли спортчida жисмоний тарбия ва спорт бўйича тегишли маълумоти бўлмаса, ишга жойлашиш билан боғлик бўлган муаммолар пайдо бўлади. Ўз вақтида номдор бўлган таниқли спортчи профессионал спорт

карьераси тугагандан кейин нима билан машғул бўлишни билмай қолади, кўп ҳолларда у спорт ташкилоти раҳбарларининг эътиборидан четда қолади, ҳаттоқи уни камдан-кам ҳолатларда эслашади, ваҳоланки, у профессионал спортда тегишли спорт ташкилотининг номидан қатнашиб унинг шарафини ҳимоя қилган. Бундай вазиятларда спортчи ҳуқуқий майдондан четда қолади. Бундай вазиятлардан чиқиши учун муаммоларга дуч келган собық профессионал спортчилар учун тегишли бўлган спорт ташкилотининг ҳисобига беғаразлик асосида маълум бир мутахассисликни ўзлаштириш бўйича қисқа муддатли маҳсус курсларни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Бундай ҳолат тегишли ҳуқуқий хужжат билан мустаҳкамланиши керак. Бунинг учун спортдаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, профессионал спортчининг ҳимояланганлиги, профессионал спорт карьераси якунлангандан сўнг унинг келгуси фаолияти бўйича хорижий тажрибани ўрганиш ҳамда ўзимизнинг қонунчилигимизни инобатга олган ҳолда ижобий тажрибани жисмоний тарбия ва спорт соҳасида қўллаш зарур. Мусаев Э.Т. “Ўзбекистон Республикасида спорт ҳуқуқи тушунчаси, предмети, манбалари, муаммолари ва ривожланиш истиқболлари” номли мақоласида ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида спорт ҳуқуқи ривожланишнинг бошланғич даражада эканлигини таъкидлаган. Спорт ҳуқуқини тартибга солишнинг мавжуд муаммоларини ҳал қилиш учун мақола муаллифи “Спорт кодексининг кодланган алоҳида актини” таклиф қилган.

Юқорида таъкидланганидек, мамлакатимизда оммавий ва профессионал спортни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини олиб боришини аҳолининг онига сингдириб бориш масалаларига давлатимиз раҳбарияти томонидан катта эътибор берилмоқда, аммо Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида спортдаги вазиятларнинг тез ўзгарувчанлигини ҳисобга олган ҳолда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ҳуқуқий муносабатлар масалалари, спортчиларда пайдо бўлаётган муаммолар ва уларнинг ечимини топиш билан спорт ташкилотларининг раҳбарлари, ҳуқуқшунослар ва бошқа манфаатдор ташкилотлар шуғулланишлари керак-ки, пировард натижада спортда ҳуқуқий муносабатларнинг меъёрлари спортчининг ҳуқуқий майдонини қамраб олишлари зарур.

Жорий йилнинг 13-февралида Ўзбекистон Республикаси Президенти Мирзиёев Ш.М. раислигига 2028-йилда бўлиб ўтадиган Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарликни кучайтириш ва оммавий спортни янги босқичга олиб чиқишига бағищланган видеоконференция кўринишида йиғилиш ўтказилди. Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик доирасида бундай кўламдага йиғилиш биринчи маротаба ўтказиласяпти. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, маънавий ва жисмонан соғлом авлодни камол топтириш ҳамда миллатимиз ва Ўзбекистонимизни жаҳон ареналарида улуғлашда жисмоний тарбия ва спортнинг роли ҳамда аҳамиятини таъкидлаган ҳолда Президентимиз томонидан бўлажак ўйинларда умужамоа ҳисобида юксак 10-ўринни эгаллаш катта мақсад қилиб қўйилди. Бундай устувор мақсадга эришиш учун молиялаштиришдан ташқари спорт менежменти ва спорт маркетинги бўйича

юқори малакали кадрлар ва бошқарув мутахассисларини тайёрлаш зарур. Каерда тайёрлаш керак деган савол туғилади. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг ўзига хос-хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда 2018-йилда ушбу йўналаш бўйича кадрларни тайёрлаш бошланган. Битиравчилар Спорт вазирлиги, спорт бўйича вилоят бошқармалари ҳамда спорт федерацияларида фаолият юритиб келмоқда. Аммо 2024-йилда спорт менежменти ва маркетинги бўйича талаб бор мутахассисларни тайёрлаш йўналиши ёпилди. Мамлакатимз Президенти томонидан илгари сурилган ташаббусларни амалга ошириш мақсадида спорт менежменти ва маркетинги соҳасида кадрларнинг етишмовчилиги ҳамда спорт соҳасида жаҳоннинг етакчи мамлакатлари тажрибасини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида жисмоний тарбия ва спорт соҳаси учун менежер ва маркетолог кадрларни тайёрлашни тиклаш зарур. Бунинг учун мазкур университетда ушбу йўналишга ихтисослашган ҳамда тажрибали профессор-ўқитувчиларга эга бўлган кафедра мавжуддир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Янги таҳририятдаги Ўзбекистон Конституцияси. – Тошкент, 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ти қонуни. – Тошкент, 2015.
3. Мусаев Э.Т. Понятие, предмет, источники, проблемы и перспективы развития спортивного права в Республике Узбекистан // Научная статья. – Ташкент: ТГЮУ, 2022.
4. Djumakulov Sh.B. O’zbekistonda jismoniy tarbiya va sportning xiquqiqiylasoslari: O’quv qo’llanma. – Тошкент: нашриёт, 2021. – 200 б.
5. Гусов К.Н., Шевченко О.А. Спортивное право. Правовой статус спортсменов, тренеров, спортивных судей и иных специалистов в области физической культуры и спорта: Учебное пособие. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Проспект, 2011. – 320 с.